

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ

Тирик, мағрур, ҳақ сўз қуролимиз бўлсин!



Ватан ягонадир,
Ватан биттадир

1943 йил 6 марта бошлаган

— 2022 йил — Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили —

Ассалому алайкум, азиз муштари!

ISTIQBOL YO'LI

Кўштепа туманинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

www.istiqbolyuli.uz

istiqbol.43@mail.uz

2022 йил 15 ноябр № 41 (8437)

Муҳим ахборотлар

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
"Тиббиёт ходимлари куни
муносабати билан соҳа
ходимларидан бир гурӯҳини
мукофотлаша тўғрисида"ги
фармонни имзолади

Президент Шавкат Мирзиёев
Туркияning Истанбул шаҳри
Бейўли туманидаги Истиқбол
кўчасида юз берган портлаш
оқибатида кўплаб инсонлар
қурбон бўлгани ва жиёддий
жароҳат олгани муносабати
билан Президент Режеп
Тайип Эрдоғанга таъзия
йўллади.

Президент фармойиши
билан Сайдо Шаеватовна
Мирзиёева Президент
Администрацияси Ижро
этувчи аппаратининг
Коммуникациялар ва
ахборот сиёсати бўйича
шўйба мудири лавозимига
тайинланди. Ушбу шўйба
янгидан тузилган бўлиб,
Президент Администрацияси
раҳбарининг жамоатчилик
фиқрини ўрганиши ва ахборот
сиёсати учун маъсул
ўринбосари тизими маркибига
киради.

Президент Шавкат Мирзиёев
14 ноябр куни одил судловни
таъминлаш борасидаги
устувор вазифалар
муҳокамаси юзасидан ўнгалиш
утказди.

"Кўксарой" қароргоҳида
Президент Шавкат Мирзиёев
раислигига Узбекистон
Республикаси Президенти
хузуридаги Хорижий
инвесторлар кенгашининг
биринчи ялпи мажлиси бўлиб
утди.

Мажлис доирасида
давлатимиз раҳбари Европа
тикланиши ва тараққиёт
банки президенти Одил Рено-
Бассо ҳамда қатор хорижий
компаниялар раҳбарлари билан
икки томонлама учрашувлар
утказди.

Юртбошимиз "Киберспорт
турларини янада
ривожлантириш ва кенг
оммалаштиришга оид
қўшимчча чора-тадбирлар
тўғрисида" қарор қабул қилди.

УШБУ
СОНДА:

(2)

- * Эл саломат бўлсин деб
- * Хайрия ўн кунлиги давом этмоқда
- * Савол беринг, жавоб берамиз

(3)

- * Ҳалқ депутатлари туман
Кенгашига сайлов ўтказувчи туман
сайлов комиссиясининг қарорлари

(4)

- * Сабоқ бекати
- * Аҳли дониш дейдиларки...
- * Ақл-ақлдан қувват олар
- * Ҳуқуқий маслаҳат

Саломатлик посбонлари

СОҒЛОМ МУҲИТ – СОҒЛОМ ЗУРРИЁТ



Оила қурган жуфтлик
борки, соғлом, ҳар
томонлама тўқис
фарзанд кўришни ният
қиласди. Соғлом фарзанд
эса соғлом турмуш
тарзининг мевасидир.
Аммо қариндош-уруғлар
ўртасидаги никоҳ, эрта
турмуш, фарзандлар
оралигининг яқинлиги,
оиладаги руҳий ҳолат
ва ҳоказолар баъзан
нуқсонли фарзанд
туғилишига сабаб бўлиб
қолмоқда. Скрининг
назоратининг йўлга
қўйилганлиги бу салбий
оқибатларнинг олдини
олиш имконини беради.

Оминахоннинг тиббиёт тизимида
болалар шифокори сифатида иш-
лаётганига чорак асрдан ўтди. Мана
икки йилдирки, тажрибали шифокор
туман скрининг марказида фаолият
кўрсатмоқда. Скрининг амалиёти
нуқсонли болалар туғилишининг ол-
дини олишда катта аҳамият касб

этаётгани шубҳасиз.—Хомиладор
аёллар фарзанди дунёга келгунга-
ча уч марта скрининг назоратидан
утказилади,—деди Оминахон Ҳам-
ролиева.—Кейинги пайтларда аёл-
ларимиз бу амалиётнинг аҳамиятини
тушушиб қолдилар.

Суратда: соғлом зурриёт дунё-

га келиши учун шифокорлик сало-
ҳияти, аёллик меҳрини бағишлаб
меҳнат қилаётган Оминахон Ҳам-
ролиева (ўнгда) ҳамишира Ёқутхон
Бобоҷонова билан.

Бахтиёржон РЎЗИОХУНОВ
олган сурат.

"Паҳта штаби" хабар қиласди

ПАҲТАКОРЛАРНИНГ КАТТА ЗАФАРИ



Туманимизнинг лафзи ҳалол паҳтакорлари кластер хирмонига 24 минг 111
тоннан хом ашё етказиб бериб, йиллик шартнома мажбуриятларини бугун, 15
ноябр куни бажардилар. Миришкорлар 7240 гектар паҳта майдонининг ҳар
ектаридан 33,03 центнердан хирмон кўтаришлиар. Туман "Паҳта штаби" бошлиги
Шукурулло Собировнинг маълум қилишича, "А. Алигавҳаров-Лангар", "Т. Бобоев-
Ёдгорали", "Қумтепа-Қамиштепа", "Баҳт Йўлдош-Оҳун" машина-трактор
парклари ҳудудларидағи фермер хўжаликлари мавсумда пешқадамликни кўлдан
бермадилар.

Туманинг катта паҳта хирмонига муносаб ҳисса кўшган ғолиб фермерларга
тасаннолар бўлсин! Катта меҳнат ғалабангиз муборак бўлсин, миришкор
паҳтакорлар!

Обуна-2023

"ИСТИҚБОЛ ЙУЛИ" ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

Азиз муштари!

Ҳабарингиз бор, Сизга кулаимлик яратишни
ҳамда газетани ўз вақтида олишингизни
кўзлаб "Истиқбол йўли" мухарририяти газета
обунасини таҳририят билан тузилган шартнома
орқали расмийлаштиради ва етказилишини
таяминлаиди. Шартномада обуна маблаги
корхона, ташкилот ва мусассаларда
фаoliyati kўrsataётган ходимнинг розилиги
билан таҳририят ҳисоб рақамига шу йил охири
ва кепгуси йилнинг биринчи ярим йиллигига
утказиб берилшини назарда тутилган.

Шу кунларда шартномалар
расмийлаштирилмоқда.

Обуна, шунингдек, "Ўзбекистон почтаси"

АЖ Фарғона филиали Қўштепа

бўлими орқали ҳам

расмийлаштирилиши мумкин.

Қадрдон муштари, яратиб берилган кулай

имкониятдан фойдаланинг. Газетамизнинг бир

йиллик обуна баҳоси—170 минг сўм.

Таҳририятнинг ҳисоб рақами:

202080005021101001 "Асака" ДАТ банки

Фарғона филиали,

МФО: 00539, ИНН: 200178144.

МУҲАРИРИЯТ.

Мамлакатимизда тиббиёт ходимлари куни кенг нишонланди

Курраи заминимизда ҳаёт давом этаркан, саломатликдан афзалпроқ неъмат ўйқ. Айни пайтдаги экологик бекарор, таъбир жоиз бўлса, қалтис даерда бу неъматнинг бебаҳолигини инсон зоти ҳар нафасда ҳис қилиб яшамоги даркор десак, хото бўлмайди. Глобаллашиб бораётган дунёда бот-бот номаълум касаллик турлари оммавий тус олиб, бутунжаҳон миқёсида хаев солаётгани фикримиз далилидир. Ана шундай мураккаб даерда инсон саломатлигини муҳофаза қилишдек масъулияти касбда ҳалқа хизмат қилиш биз, соҳа вакиллари учун ҳам муқаддас бурч, ҳам шарафдир.

Туманимизда истиқомат қилаётган 198 минг 379 нафар аҳолига 13 та даволаш-профилактика муассасалари: бешта оиласвий поликлиника, олтига оиласвий шифокорлар

юқумли касалликлар, реанимация бўлимларида замонавий тиббиёт ускуналар ёрдамида малакали кадрлар аҳолига сифатли тиббиёт хизмат кўрсатишмоқда. Эл саломатлигини



пункти, кўп тармоқли марказий поликлиника ҳамда марказий шифохона ва тез тиббиёт ёрдам бўлими хизмат кўрсатади. Тизимда олиб бораётган туб испоҳотлар натижасида улардаги тиббиёт ускуна ва шарт-шароитлар йилдан-йилга такомиллашиб, замон талабларига мос равиша жаҳон стандартларига тенгластириб борилмоқда.

Хозигри кунда туманимизда жами 303 та шифо ўрни мавжуд бўлиб, улардан фақат 24 таси хўжалик ҳисобидаги пуллар, қолгани бюджет ҳисобидаги белупул ўринлар ҳисобланади. Булар марказий шифохонадаги туғруқ ҳамда болалар бўлнимлари, Лангар шифохонасидаги шошилинч тез ёрдам, жарроҳлик, терапия каби бўлнимларга тегишли бўлиб, малакали кадрлар меҳнат қилмоқдалар.

Бугунги кунда долзарб бўлиб турган жабхада ҳалқ эҳтиёжини кондириш мақсадида Лангар бўлимида 18 ўринли эндокринология бўлими ташкил этилиб, фуқароларимиз хизматига шай этилди. Бундан ташқари

сақлашдек юксак масъулияти ишга сафарбар этилган қарийб учминг нафарлик жамоамиз мунтазам равиша ўз билим ва кўнкимларини ошириб, сўнгги тажрибаларни жорий этишга интилмоқда.

Яқинда Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Тиббиётдаги испоҳотлар инсон қадри учун” мавзусида соҳа ходимлари билан ўтказган очик мулоқотда олдимиға катта вазифалар қўйилиб, қатор муҳим ишлар режаси белгилаб берилди. Айниқса, давлат бюджетидан 4, 5 миллиард сўм маблағ туманимизда тиббиётни ривожлантиришга йўналтирилгани кенг имкониятлар эшигини очди. Аниқ фактларга тўхтадиган бўлсак, дори-дармон воситалари учун уч миллиард сўм, “Обод қишлоқ дастури” бўйича “Дўрмон” шифокорлик хизмат уйи учун 500 миллион, “Солижонобод” оиласвий шифокорлик пункти учун 300 миллион, “Ўзбекистон” шифокорлик хизмат уйи учун Опенбюджет дастури бўйича ҳамда “Ғиштмон” оиласвий шифокорлар пункти учун ҳар бирига

250 миллион сўмдан маблағ ажратилиб, таъмирлаш ишлари олиб борилди. Шунингдек, Лангар шошилинч тез тиббиёт ёрдам бўлими қошида 10 ўринга эга наркология диспансери курилиб, фойдаланишга топширилди. Тўртта оиласвий поликлиника 104 миллион сўмлик замонавий ултратўлқинли аппарат билан таъминланди. “Кумтепа”, “Хумдон”, “Истиқлол”, “Янгиҳаёт” маҳалла фуқаролар йигинларига “Маҳалла таянч пункти” ўрнатилди ва ҳозирда тўлиқ фаолият олиб бормоқда.

Тизимда патронаж хизматини янгича асосда йўлга кўйиш мақсадида 101 та тиббиёт бригадаси ташкил этилиб, ёлғиз ва кекса, ногирон, сурункали касаллиги бўлган шахслар, бўлажак оналар ва болаларни қамраб олган ҳолда уйма-уй юриб хизмат кўрсатилмоқда. Ҳамшираларнинг маҳаллабай тартибида ҳар бир фуқаронинг саломатлигини назорат қилиб боришлари турли касалликларнинг олдини олиш ҳамда оиласларда тиббиёт маданиятни юкалтириш борасида сезиларли самара бераётir.

Айтиш керакки, юқоридаги моддий имкониятлар инсон омили, яъни тиббиёт ходимларининг фидокорона меҳнати орқалигина ҳалқа бакор келади, дардига малҳам бўлади. Бу йўлда тинимисиз изланиб, бор кучини сарфлаб келаётган ҳамкасларимиз куни-кеча мамлакат миқёсида нишонланган касб байрамимиз муносабати билан “Шодлик” тантаналар уйида жам бўлдилар. Кўтаринки рӯда ўтган байрам тадбирида туман ҳокими Илёсбек Новиков иштирок этиб, қизгин табрик нутқи билан барчага кўтаринки рӯҳ улашди. Байрамона жараён асносида бир гуруҳ ходимларимиз туман ҳокимиning фахрий ёрлиги ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Бундан ташқари, фахрий шифокорларимиз Давлатали Турсунов, Мадаминжон Тошматов, Муҳаммаджон Абдуллаев, Шавкатжон Мирзарахимов, О. Камолова, Б. Мадраҳимовларга алоҳида эҳтиром кўрсатилиб, пул мукофотлари топширилди. Яна қатор фидойи ходимлар вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг фахрий ёрлиги, моддий рағбат ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланиб, эътирофга сазовор бўлдилар.

Инсон қадри ва манфаати йўлидан бораётган Янги Ўзбекистонда соҳамига қаратилган юксак эътибор биз, шифокорларни бундан кейин ҳам саломатлик посбони деган номга муносиб тарзда астойдил меҳнат қилишга ундан туради.

Ойбек МУРОДОВ,
туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи.

Туман ҳокими қарор қилади

ХАЙРИЯ ЎН КУНЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА



Қизил Ярим ой жамиятининг бутун фаолияти фавқулодда вазиятларда азият кўрган инсонларга ёрдам қўлини чўзиш, шундай ҳолатларда аҳолининг турли қатлами: болалар, ўқуечилар, кексалар ва ҳоказо, қандай ҳаракат қилиш даркорлигига ўргатиш, эҳтиёжмандларни кўплаб-кувватлашдек эзгу мақсадларга қаратипланадир. Унинг ташкилий тузилмасини ривожлантириш ва фаолият самарадорлигини ошириш, моддий-техника таъминотини яхшилаш, аҳолига биринчи ёрдам кўрсатиш кўнкимасини ҳосил қилиш, меҳр-мурувват ва инсонпарварлик борасида тиббиёт-ижтимоий ёрдам кўрсатишни услугусиз таъминлаш ҳамда вилоят ҳокимининг бу борадаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида туман ҳокими қарор қабул қилди.

Қарорда юқоридаги мақсадларни рўёбга чиқариш учун туманимизда 15-25 ноябр кунлари Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти вилоят ташкилоти жамғармасига маблағ тўплаш учун хайрия ўн кунлигини ўтказиш белгиланди. Ўн кунлик доирасида “Хомийлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни талаблари асосида ҳомийлик акциялари ўтказиш, тумандаги идора ва ташкилотлар раҳбарлари Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг маҳаллий ташкилоти ҳисоб рақамига белгиланган тартибида ишчи-ходимларнинг ўз розиликлари билан аъзолик бадаллари ва хайрия ёрдамлари ўтказиб



беришлари тавсия қилинди.

“Агробанк” акциядорлик тижорат банкининг вилоят бошқармаси Кўштепа тумани филиали, туман молия бўлими, туман ғазначилик бўлинмаси раҳбарларига хайрия ёрдамлари ва Қизил Ярим ойга аъзолик бадалларини жамият махаллий ташкилотининг ҳисоб рақами: 20212000900211166001, МФО 00515, ИНН 201517314, ТИФ “Агробанк” акциядорлик тижорат банкининг Фарғона вилояти бошқармаси Кўштепа тумани филиалига ўтказиб берилишини таъминлаш ўқтирилди.

Савол беринг, жавоб берамиз

Савол:

Ўз даромадим эвазига ишламайдиган хотиним учун иш стажи ўтказиб берсан бўладими?

Фуқаро X. Сотволдиев

ҲА, БУНДАЙ ИМКОНИЯТ ЯРАТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 13 октябрдаги 592-сонли қарори билан тасдиқланган давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 46-бандига асосан 2021 йил 1 июндан кейинги даврда ишламайдиган эри (хотини) учун ихтиёрий асосда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган тартибида ижтимоий солиқ тўланган давр пенсия тайинлашда иш стажи ҳисобида инобатга олинади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Сиз 2021 йил 1 июндан кейинги даврда ишламайдиган хотинингиз учун йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг камиди бир баравари миқдорида ижтимоий солиқни доимий яшаш жойингиз бўйича Пенсия жамғармасининг Молия вазирлигининг Ягона ғазна ҳисобварагида очилган шахсий ғазна ҳисобварагингизга тўласангиз, ушбу давр иш стажига олинади.

Алишер СИДДИҚОВ,
туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси.

Савол:

Чет эл фуқаросининг чет элда ишлаган даврлари пенсия тайинлашда кандай ҳисобланади?

Фуқаро Э. Болтабоев

ҲАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МОС КЕЛСА...

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 13 октябрдаги 592-сонли қарори билан тасдиқланган давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 47-бандига асосан Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган хорижий фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга чет элдаги иш стажига, агар Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасидаги ишга тўғри келадиган стажнинг учдан биридан ортиқ бўлмаган доирада киритилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, агар чет эл фуқаросининг умумий иш стажи 40 йилни ташкил этса, шундан 21 йили Ўзбекистон Республикаси худудига, 19 йили эса хорижий давлат худудига тўғри келади. Ушбу ҳолатда чет эл фуқаросининг хорижий давлатдаги иш стажи пенсияни ҳисоблаш учун 7 йил (21 йил/3) доирасида қабул қилинади ва умумий иш стажи 28 йилни (21 + 7) ташкил этади.

Акмалжон МАМАДАЛИЕВ,
адлия бўлими бошлиғи

Xalq deputatlari Qo'shtepa tumani Kengashiga saylov o'tkazuvchi tuman saylov komissiyasi qarori**XALQ DEPUTATLARI QO'SHTEPA TUMANI KENGASHI DEPUTATLIGIGA
NOMZODLARNI RO'YXATGA OLİSH TO'G'RISIDA**

7-son

Tadbirkorlar va ishbilarmonlar harakati – O'zbekiston Liberal demokratik partiyasi, O'zbekiston "Adolat" sotsial-demokratik partiyasi, O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasi, O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi va O'zbekiston Ekologik partiyasi tuman kengashlari tomonidan xalq deputatlari Qo'shtepa tumani Kengashi deputatligiga nomzodlarni ro'yxatga olish uchun taqdim etilgan hujjatlarni ko'rib chiqib, O'zbekiston Respublikasi Saylov kodeksining 20, 90, 91, 92-moddalariga muvofiq, xalq deputatlari Qo'shtepa tumani Kengashiga saylov o'tkazuvchi tuman saylov komissiyasi **QAROR QILADI**:

1. Xalq deputatlari Qo'shtepa tumani Kengashi deputatligiga nomzodlar etib quyidagilar ro'yxatga olinsin:

Familiyasi, ismi, otasining ismi	Partiyaga mansubligi	Egallab turgan lavozimi	Doimiy yashash joyi	Nomzod ko'rsatgan siyosiy partiyaning nomi
7-Nurafshon saylov okrugi				
Abduxamidov Elmurodjon Dilmurodjon o'g'li	1999-yil	O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi	Qo'shtepa tumani "Yo'ldoshobod" mahalla fuqarolar yig'inidagi yoshlar yetakchisi	Qo'shtepa tumani, "Yo'ldoshobod" MFY, Toshbulq ko'chasi 35-uy
Yusupova Malikaxon Yarkinovna	1984-yil	O'zbekiston Ekologik partiyasi	Xususiy tadbirkor	Qo'shtepa tumani, "Qumtepa" MFY, Qumtepa ko'chasi 12-uy
Oxunjonova Ximoyatxon Umarovna	1978-yil	O'zbekiston Liberal-demokratik partiyasi	Qo'shtepa tumani "Nurafshon" mahalla fuqarolar yig'in xotin-qizlar faoli	Qo'shtepa tumani, "Nurafshon" MFY, O'rikzor ko'chasi 111-uy
Xusanova Ma'rifatxon Olimjonovna	1988-yil	O'zbekiston "Adolat" sotsial-demokratik partiyasi	Qo'shtepa tumani "Qizil yarim oy" jamiyatni bosh hisobchisi	Qo'shtepa tumani, "Shakar" MFY, Musaffo ko'chasi 21-uy
Yoqubov Odilbek Bahodir o'g'li	1992-yil	O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasi	Qo'shtepa tumani 17-umumta'lum maktabi informatika fani o'qituvchisi	Qo'shtepa tumani, "Oqtepa" MFY, B.Marg'iloni yoshlar yetakchisi
27-Loyson saylov okrugi				
Karimov Tojali Tursunovich	1962-yil	O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi	Qo'shtepa tumani "Loyson" mahalla fuqarolar yig'in raisi	Qo'shtepa tumani, "Loyson" MFY, Mulkobod ko'chasi 5-uy
Noraliyev Alisher Nurmuxammadovich	1982-yil	O'zbekiston "Adolat" sotsial-demokratik partiyasi	Xalq deputatlari Qo'shtepa tumani Kengashi kotibi yoshlar yetakchisi	Qo'shtepa tumani, "Shaxartepa" MFY, Zilol ko'chasi
Yusupova Davlatxon Nomonovna	1973-yil	Partiyasiz	Qo'shtepa tumani "Dehqon bozori" mas'uliyatini cheklangan jamiyatni boshqaruv raisi	Qo'shtepa tumani, "Sohibkor" MFY, Sohibkor ko'chasi 154-uy
Usmonov Moxirjon Axmadovich	1963-yil	O'zbekiston Ekologik partiyasi	"Farg'ona texnik ko'rlik" MChJ sinov laboratoriysi boshlig'i	Qo'shtepa tumani, "Dehqonobod" MFY, Sihatgoh ko'chasi 285-uy
Qodirov Baxromjon Baxodir o'g'li	1993-yil	O'zbekiston Liberal-demokratik partiyasi	Qo'shtepa tumani "Loyson" mahalla fuqarolar yig'inidagi yoshlar yetakchisi	Qo'shtepa tumani, "Loyson" MFY, Toshloq ko'chasi 77-uy

2. Qo'shtepa tumani saylov komissiyasi kotibi Q.Mamazohidov xalq deputatlari tuman Kengashi deputatligiga nomzodlar ro'yxatga olinganligi to'g'risidagi qarorni mahalliy matbuotda qonunda belgilangan muddatda e'lon qilinishini ta'minlasin.

Xalq deputatlari Qo'shtepa tumani Kengashiga saylov o'tkazuvchi tuman saylov komissiyasi raisi:

R. TOJIBOYEV

Xalq deputatlari Qo'shtepa tumani Kengashiga saylov o'tkazuvchi tuman saylov komissiyasi qarori**BO'SHAB QOLGAN O'RINLARGA XALQ DEPUTATLARI QO'SHTEPA TUMANI KENGASHI DEPUTATLARI SAYLOVINI O'TKAZUVCHI UCHASTKA SAYLOV KOMISSIYALARINING TARKIBINI TASDIQLASH TO'G'RISIDA**

9-son

2022 yil 12 noyabr

O'zbekiston Respublikasi Saylov kodeksining 21, 25-moddalariga, shuningdek, xalq deputatlari tuman Kengashining tavsiyasiga muvofiq, xalq deputatlari Qo'shtepa tumani Kengashiga saylov o'tkazuvchi tuman saylov komissiyasi **QAROR QILADI**:

1. Bo'shab qolgan o'rirlarga Xalq deputatlari Qo'shtepa tumani Kengashi deputatlari saylovini o'tkazuvchi uchastka saylov komissiyalarini quyidagi tarkibda tasdiqlasinsin:

663-uchastka saylov komissiyasi		709-uchastka saylov komissiyasi	
Markazi: Qo'shtepa tumani, «Qayrag'och» mahalla fuqarolar yig'ini, Mullaqayrag'och ko'chasi 32-uy		Markazi: Qo'shtepa tumani, "Loyson" mahalla fuqarolar yig'ini, Mulkobod ko'chasi 70 a-uy	
Rais		Rais	
1 Tursunov Komil Obidovich	12-umumta'lum maktabi direktori	1 Yuldashev Sherzod Abduxamidovich	22-umumta'lum maktabi direktori
Rais o'rinosbosari		Rais o'rinosbosari	
2 Tursunova Xuriyatxon Adhamovna	"Qayrag'och" mahalla fuqarolar yig'ini xotin-qizlar faoli	2 Qayumov Shukurullo Mamirovich	22-umumta'lum maktabi xo'jalik ishlari mudiri
Kotib		Kotib	
3 Mansurov Lutfullo Ergashaliyevich	12-umumta'lum maktabining ma'naviy-ma'rifiy ishlari bo'yicha direktor o'rinosbosari	3 Axmedov Xaydarali Tojaliyevich	"Loyson" mahalla fuqarolar yig'ini harbiy hisob stoli bo'limi boshlig'i
A'zolari		A'zolari	
4 Djamolova Zulfiya Ergashevna	Ko'p tarmoqli markaziy poliklinikasi hamshirasi	4 Madorov Abdurashid Abduvohidovich	22-umumta'lum maktabi informatika fani o'qituvchisi
5 Xudoyberganova Xanifa Xoldorovna	Xususiy tadbirkor	5 Kenjayeva Xurshida Adxamjonovna	86-qishloq oilaviy poliklinikasi hududiy hamshirasi
6 Soliyev Mamasidiq Goyipnazarovich	12-umumta'lum maktabining rus tili fani o'qituvchisi	6 Normatova Muyassar Mashrapovna	86-qishloq oilaviy poliklinikasi hududiy hamshirasi
7 G'ofurov Komiljon Karimovich	Xususiy tadbirkor	7 Nematova Komilaxon Marufovna	"Loyson" mahalla fuqarolar yig'ini xotin-qizlar faoli
8 Karimova Gullolaxon Maxamadovna	Xususiy tadbirkor	8 Ibroximova Shoxsanam Ortig'ali qizi	46-maktabgacha ta'lil tashkiloti metodisti
9 Rahimov Azizbek Tillamatovich	12-umumta'lum maktabining informatika fani o'qituvchisi	9 Qayumov Nurmat Karimovich	22-umumta'lum maktabi jismoniy tarbiya o'qituvchisi
664-uchastka saylov komissiyasi		711-uchastka saylov komissiyasi	
Markazi: Qo'shtepa tumani, "Nurafshon" mahalla fuqarolar yig'ini, Tokzor ko'chasi 94-uy		Markazi: Qo'shtepa tumani, "Dehqonobod" mahalla fuqarolar yig'ini, Sihatgoh ko'chasi 66-uy	
Rais		Rais	
1 Xakimova Dilfuzaxon Tolipovna	7-umumta'lum maktabining o'quv ishlari bo'yicha direktor o'rinosbosari	1 Shokirov Ulug'bek Miraxmat o'g'li	45-umumta'lum maktabi direktori
Rais o'rinosbosari		Rais o'rinosbosari	
2 Qodirov Xusanboy Roziqovich	7-umumta'lum maktabi direktori v.v.b	2 Samanova Mavludaxon Tojaliyevna	45-umumta'lum maktabining psixolog
Kotib		Kotib	
3 Sulaymonov Shokirjon Nabiyelevich	7-umumta'lum maktabining xo'jalik ishlari bo'yicha direktor o'rinosbosari	3 Turg'unov Jaloldin Abdujabbor o'g'li	45-umumta'lum maktabining ma'naviy-ma'rifiy ishlari bo'yicha direktor o'rinosbosari
A'zolari		A'zolari	
4 Karachayeva Oltinoy Temirovna	"Nurafshon" mahalla fuqarolar yig'ini raisi	4 Turdaliyeva Diyoraxon Toxirovna	9-maktabgacha ta'lil tashkiloti direktori
5 Masaidova Maxhubaxon Yusupovna	7-umumta'lum maktabining ma'naviy-ma'rifiy ishlari bo'yicha direktor o'rinosbosari	5 Qoraboyeva Qunduzxon Poziljonovna	"Dehqonobod" mahalla fuqarolar yig'ini xotin-qizlar faoli
6 Toshpo'latova Gulbahor Mirzaxokimovna	15-maktabgacha ta'lil tashkiloti direktori	6 Ergashev Arabboy Yakubovich	Xususiy tadbirkor
7 Ravshanov Shavkatjon Sherali o'g'li	"Nurafshon" mahalla fuqarolar yig'ini yoshlar yetakchisi	7 Oripjonova Dilrabojon Erkinjonovna	"Dehqonobod" mahalla fuqarolar yig'ini yoshlar yetakchisi
8 Tojahmedova Gulnoza Olimovna	Xususiy tadbirkor	8 Nurmatov Xayitali Rustamovich	45-umumta'lum maktabi xo'jalik ishlari bo'yicha direktor o'rinosbosari
9 Xoliqova O'limasxon Yigitaliyevna	Pensiyada	9 Mo'minova Gulmira Ro'ziboyevna	86-oilaviy poliklinika hamshirasi

2. Uchastka saylov komissiyalarini tarkibi, joylashgan manzili va ularning telefon raqamlari ko'rsatilgan ma'lumotlar mahalliy matbuotda e'lon qilinsin.

Xalq deputatlari Qo'shtepa tumani Kengashiga saylov o'tkazuvchi tuman saylov komissiyasi raisi

R. TOJIBOYEV

Расулуллоҳ
(с.а.в.)
ҳадисларидан



Уч тоифа киши борки, Аллоҳ уларни енгил ҳисоб қиласди ва жаннатига кирилади. Сени маҳрум этган кишига берасан, сенга зулм қилган кишини афв этасан, сен билан алоқани узган киши или алоқани тиклайсан. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху)дан.

Ҳоким ривояти.

Уч тоифа киши борки, сабоб уларга вожиб бўлиб, имони комил ҳисобланади. Уларнинг ажойиб феъллари: инсонлар ичидаги яшаладиган хулк, Аллоҳ ҳаром қилган нарсалардан тўсувчи тақво ва жоҳилининг жаҳолатини қайтариб турувчи ҳалимлик. Анас (розияллоҳу анху)дан.

Баззор ривояти.

Уч тоифа киши борки, сояй йўқ кунда Аллоҳ уларни Арши остидаги соя ила соялантиради. Қийинчиликда ҳам таҳорат қилишга интилиш, зулумотда масжидга юриб бориш ва очларни тўйдирish. Жобир (розияллоҳу анху)дан.

Асбаҳоний ривояти.

“2002 ҳадис”дан.

(Ҳадис шарифларда одоб-ахлоҳ зикри).

“Мунир”нашириёт.

Тошкент—2022.

Saboq bekati



Оз-оздан ўрганиб
доно бўлур,
Қатра-қатра иғилиб
дарё бўлур.
Алишер НАВОЙИ.

Аҳли дониш дейдиларки...

ВРАЧЛИК КАСБИ ФИДОЙИЛИКНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

Ўз беморини даволашга киришган шифокор бу ишни назокат ва очиқ чехра билан беморга хуш келадиган тарзда амалга ошириши керак. Бадқовоқ шифокор ўз касбидаги ҳеч қачон барака топмайди.

М. МОНТЕНЬ.

Фақат тетик одамгина шифокор бўлиши мумкин.

П. ДЮБУА.

Врачнинг очиқ чехраси беморнинг соғая бошлиши демакдир.

Ф. РОХАС.

Суҳбатидан кейин бемор енгил тортишади.

маган врач врач эмас.

В. М. БЕХТЕРЕВ.

Врачлик касби—жасорат, бу касб фидойиликни, қалб ва фикр соғлигини талаб қиласди.

А. П. ЧЕХОВ.

Афтидан врачларнинг бутун мўъжизалари уларнинг беморга нисбатан диққат-эътиборларининг кучлилигидадир. Ана шу куч туфайли шоирлар табиатга жон баҳш этишса, врачлар беморларни оёққа туризишади.

М. М. ПРИШВИН.

Яхши шифокор маълум дардларнинг давосини биладиган, агар ўзиға номаълум касаллик бўлса, беморга ёрдами тегадиганларни чақирадиган кишидир.

Ж. ЛАБРЮЙЕР.

Даволовчи врач тажрибаси оша борган сари гигиенанинг қудратини ва дори-дармоннинг нисбатан заифлигини кўпроқ тушуна бошлайди.

Г. А. ЗАХАРИН.

“Тафаккур гулшани”дан.
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашириёти.
Тошкент—1989 йил.


Ақл-ақлдан қувват олар

ТОТЛИ ҲАЁТ-ТАНИ СОҒЛИКДА

“Кимхоб тўнинг бўлгунча, олтин бошинг бўлсин”, “Соғлик бўлса, беклик бўлар”, “Соф юрак—тоғ юрак”, “Соғлигинг—бойлигинг”, “Тани соғнинг—жони соғ”, “Тотли ҳаёт—тани соғликда”, “Оч бўл, яланғоч бўл, соғу саломат бўл”, “Мол кетсин, пул кетсин, эсон-соғликка не етсин?!”, “Молинг кетсан-кетсин, жонинг кетмасин”, “Молингга ачинма, жонингга ачин”, “Тан оғриса, жон сезар”, “Оғриқ қаерда бўлса, жон ўша ерда”, “Дард келар-у, дард кетар, жон қадрини англатар”, “Дард томирни ейди, хасрат—умрни”, “Кун кўрайин десанг, сиҳатинг сақла!».

“Ҳикматнома”дан.
Тошкент—1990 йил.

Табиатнинг ўзи мусавир



Бунинг учун, албатта, ишончнома расмийлаштирилиши зарур. Ишончнома ўзи нима? Бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккичи шахсга (ишончли вакилга) учинчи шахслар олдида вакиллик қилиш учун берилган ёзма баёнот ишончнома ҳисобланади.

Ишончнома расмийлаштиришда қуидаги ҳужжатлар талаб қилинади:

-тарафларнинг фуқаролик паспорти;

-агарда транспорт воситаси вояга етмаган номидан сотилса, у ҳолда сотувчининг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси;

-ҳарбий хизматчилар учун ҳарбий гувоҳнома;

-чет эл фуқаролари учун уларнинг тегишли ички ишлар органларидан рўйхатдан ўтган миллий фуқаролик паспорти ёхуд Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси, дипломатик паспорти ёки аккредитация карточкаси;

-фуқаролиги бўлмаган шахслар учун Ўзбекистонда яшаш гувоҳномаси.

-транспорт воситаларини қайд этиш гувоҳномаси;

-агар мулк умумий бўлса (эр хотиннинг биргалиқдаги мулки) эр ёки хотиннинг розилиги;

-агар мулк гаровга қўйилган бўлса,

гаровга олувчининг розилиги;
-тарафлардан бири васийлидаги шахс бўлган тақдирда, васийлик ва ҳомийлик органи руҳсати;

-меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномага асосан транспорт во-

ларига, буваларига, ака-укалари ва опа-сингилларига уларнинг қариндошлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилади.

Ишончли вакил ҳақидаги, шунингдек, ишончнома обьекти ҳақи-

даги маълумотлар ишончнома берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ёки унинг сўзларига асосан ёзилиши мумкин. Ишончли вакил ҳақидаги, шунингдек, ишончнома обьекти ҳақидаги маълумотлар ишончнома берувчининг сўзларига асосан ёзилган ҳолларда берилган маълумотларнинг тўғрилиги учун ишончнома берувчи масъулдир.

Нотариал ҳаракати пайтида қуйидагилар ҳозир бўлишлари шарт:

-мулкдор ёки унинг қонуний вакили,

ситасини қайд этиш гувоҳномаси берилган бўлса, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома;

-автомототранспорт воситаси кредит ҳисобига олинган бўлса, кредит ташкилотининг розилиги;

-битимлар давлат божининг имтиёзли тўланишига ҳуқуқ берувчи яқин қариндош бўлган шахслар ўртасида тузилаёттан бўлса, мулкдордан хотинига ёки эрига, унинг ва хотинининг (эрининг) ота-оналарига, болалари ва улардан эр хотинларига, набираларига, буви-

даги маълумотлар ишончнома берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ёки унинг сўзларига асосан ёзилган ҳолларда берилган маълумотларнинг тўғрилиги учун ишончнома берувчи масъулдир.

Нотариал ҳаракати пайтида қуйидагилар ҳозир бўлишлари шарт:

-мулкдор ёки унинг қонуний вакили,

ишончнома орқали мулкдорнинг номидан ҳаракат қилувчи вакили;

-муомалага лаёқатсиз, муомалага лаёқати чекланган, вояга етмаган шахслар номидан Васийлик ва ҳомийлик органларининг ходими.

Ишончнома тузиш ва тасдиқлаш учун ишончли вакилнинг иштироқи талаб этилмайди. Зарур ҳолларда эса таржимон жалб қилиниши мумкин. Ишончнома уч йил муддатгача берилади. Унинг амал қилиши қуидаги ҳолларда бекор бўлади:

-ишончнома муддати тугаса;

-ишончнома берган шахснинг ўзи бекор қилса;

-ишончнома берилган шахс баш тортса;

-ишончнома берган ёки берилган юридик шахснинг фаолияти тугатилса;

-ишончнома берган ёки олган фуқаронинг муомалага лаёқатсиз, муомалага лаёқати чеклангани ёхуд бедарак йўқолган шахс деб ҳисобланса ёки вафот этса.

Амалдаги тартиб бўйича ҳаракат қилинса, мулкнингзининг ишончли ҳимояси кафолатланади.

**Халилжон
ҲАЙДАРОВ,**
тумандаги хусусий амалиёт
билиш шуғулланувчи нотариал
идораси стажёри.

АВТОТРАНСПОРТ
ВОСИТАНГИЗНИ
БОШКА
ОДАМ НОМИГА
РАСМИЙЛАШТИРМОҚЧИМИСИЗ?
Бунинг учун нима қилиш керак?

Азиз муштари! Ҳафтагономамизда улут аждодларимиз ҳаёти ва ҳикматлари чоп этилаётганлиги учун уни ножоиз ерларга ташламанг!

ISTIQBOL YOLI

Бош мұхаррір:
Умидахон ХУДОЙБЕРГАНОВА

МУАССИС:
ҚўШТЕПА ТУМАНИ
ҲОКИМИЯТИ ВА ТАҲРИРИЯТ
ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон Матбуот ва аҳборот агентлиги
Фарғона вилояти бошқармаси томонидан
2007 йил 9 ғиёврода 12-012 рақами
билиш рўйхатга олинган. Бичими A-3

МАНЗИЛИМИЗ:
15111,
Марғилон шаҳар,
Бобур номли маҳалла,
Соҳибкор кўчаси, 4-йи.
Телефон ва факс:
мұхаррір (55) 801-17-54

ГАЗЕТА ТАҲРИРИЯТНИНГ
Pentium - IV
КОМПЮТЕРИДА
ТЕРИЛДИ ВА
САҲИФАЛАНДИ.
Дизайнер:
Отабек йўрматов

«Полиграф-Пресс» МЧЖ
босмахонасида 3003
нусхада чоп этилди.
Бахоси келинингларнарда.
Манзил: Марғилон шаҳар,
Туркистон кўчаси,
236 «Б» уй.

Нашр кўрсаткичи:
64875

Буюртма № 733
Топшириши вақти 18.00
Топширилди 18.00

Ушбу сонга масъул:
Хадичахон КАРИМОВА

ISSN 2010-9253
9 772 0 10 9 25 3 0 7